# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 69 (8.804) ◆ 1996 йил ◆ 12 июнь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


# МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ



СУРАТДА: мажлис пайти. А.Тўраев олган сурат.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раислигида 1996 йил 10 июнь куни республика Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистоннинг транспорт-коммуникация воситалари орқали жаҳон денгиз йўлларига чиқишини таъминлаш, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида АҚШ ҳудудида ўтказиладиган «Кооператив оспрей-96» машқларида иштирок этиш ҳақидаги, шунингдек кенгашнинг миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

# ПРЕЗИДЕНТНИНГ ҚАШҚАДАРЁГА САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 июнь куни Қашқадарё вилоятида бўлди

Давлатимиз раҳбари вилоят меҳнаткашларининг ҳаёти, бу ерда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни билан яқиндан танишди. Мамлакатимизнинг йирик вилоятларидан бўлмиш Қашқадарё бўйлаб сафари чоғида Президент Ғузор, Қамаши, Чироқчи, Яккабоғ, Шаҳрисабз ва Китоб туманларидаги бир қанча жамоа хўжаликларида деҳқонлар, мутахассис ходимлар, раҳбарлар билан учрашиб, пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик соҳаларидаги мавжуд вазият, ечимини кутаётган турли муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларидаги учрашувларда юртбошимиз оддий меҳнаткашлар, оқсоқоллар ва ёшлар билан мулоқотда бўлди, уларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

Шунингдек, Ислом Каримов Шаҳрисабз шаҳридаги Оқсарой майдонида Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан қад кўтараётган соҳибқирон ҳайкали ва ёдгорлик мажмуи қурилишини кўздан кечирди.Қарши шаҳрида марказий футбол стадиони ва бошқа янги спорт иншоотлари билан танишди, шаҳар бозорида бўлди.

Президентнинг Қашқадарё вилоятига сафари чоғида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Қашқадарё вилояти ҳокими Озод Пармонов унга ҳамроҳлик қилди.

Шу куни кечқурун Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.

**(ЎзА).**

*Пойтахтнинг ноёб қурилишларида*

# ЎН БЕШ ҚАВАТЛИ МЕҲМОНХОНА

Шаҳримизнинг марказий қисми ўз қиёфасини кўз ўнгимизда ўзгартириб бормоқда. Тарихий аҳамиятга эга бўлган бинолар эса ўта эҳтиёткорлик билан таъмирланмоқда. Улар ёнида эса замонавий ва миллий хусусиятлар сингдирилган янги бинолар қад ростламоқда. Шаҳарнинг марказий қисми ўзига хос миллий ва замонавий меъморчиликнинг энг сўнгги ютуқлари мужассамлашган мажмуага айланмоқда.

Яқин кунларда Алишер Навоий, Амир Темур ва Ҳамид Сулаймонов кўчалари кесишган ерда халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган, нафақат юртдошларимиз,балки турли мамлакатлардан ташриф буюрувчи тадбиркорлар ва сайёҳлар учун қулай бўлган янги, тўрт юлдузли меҳмонхона қурилиши назарда тутилган. Ҳозирда ажратилган майдонда тайёргарлик ишлари бошланган.

Илгари маълум қилганимиздек, мазкур меҳмонхонанинг лойиҳа ва қурилиш ишлари бўйича бош пудратчи — Франциянинг жаҳонга машҳур «Буиг» компаниясидир.

Шу йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов Парижда бўлиб, «Буиг» компаниясининг қурилиш бўлими бош директори билан ҳамкорликда Ўзбекистон пойтахтида халқаро талабларга жавоб берувчи меҳмонхона қуриш тўғрисида келишиб олишган эди. «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси билан «Буиг» компанияси ўртасида тузилган шартномага кўра эса, лойиҳада кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган. Яъни қурилиш майдонини ҳозирлаш, ободончилик, меҳмонхонанинг барча. техникавий тармоқларини ўтказиш ва ҳоказолар.

Дарвоқе, нима учун бош пудратчи сифатида айнан шу фирма танланди?

80 дан ошиқ мамлакатларга маълуму машҳур, 40 йиллик катта тажрибага эга бўлган «Буиг» компаниясининг мутахассислари нафақат лойиҳалаш ва қурилиш ишларига боғлиқ етакчи технологияга, балки фуқаролар яшайдиган нодир уй-жой, энергия тармоқлари, денгиз ва ерости нефть иншоотларига доир қурилмалар, йўллар ва техник қурилиш ишларига боғлиқ ишларни ҳам амалга ошира оладилар.

«Буиг» компанияси барча кўринишдаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва молиявий жиҳатдан таъминлаш қудратига эга. Туркманистон, Қозоғистон, Россия, Белоруссия, Руминия ва Чехиядаги ноёб қурилиш ишлари шулар жумласидандир.

Шу ойнинг ўрталарида мазкур фирманинг биринчи ишчи гуруҳи келиши ҳамда бизнинг мутахассисларимиз ҳамкорлигида дастлабки ишларнинг бошланиши кутилмоқда.

Режа бўйича қурилажак ўн беш қаватли меҳмонхонада жами 237 хона жойлашиши керак. Албатта, улардан ташқари ресторан, бар, конференциялар зали, бизнес маркази, дам олиш мажмуалари, соғломлаштириш клуби, сауна, гимнастика зали, иккита бассейн, теннис корти ва бир қатор маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам бўлади.

— Шаҳар ҳокимлиги халқаро тоифадаги меҳмонхоналар қуриш режаси бўйича бир йилдан зиёд ишлаб келади. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мутахассислари, архитектор, қурувчи муҳандислар гуруҳи қурилиш талаблари ва барча нормаларни таъминлаш мақсадида тайёрлов ишлари олиб боришди, — дейди капитал қурилиш бош бошқармаси бошлиғи М.Абдуллаев. — Ҳозирда меҳмонхонада асосий муаммо: уни маъмурий-бошқарув ходимлар билан таъминлаш вазифаси турибди. Албатта бу иш учун жаҳон андозаларига жавоб берадиган, юқори малакали, биринчи тоифали, бошқарув соҳасида катта тажриба йиққан операторлар керак бўлади.

Ўйлаймизки, бизнинг «Буиг» компанияси ҳамкорлигида олиб борадиган ишларимиз меҳмонхоналар қуриш ишлари билан чегараланиб қолмайди, балки ўзаро фойдали бошқа битимларга ҳам асос солинади.

Зоир ТУРСУНОВ.



***СУРАТДА:** Тошкент марказида қуриладиган янги меҳмонхонанинг кўриниши.*

*Рашид Галиев олган сурат.*

# БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

## МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Фарғона вилояти пиллакорлари қабул пунктларига 4000 тонна қимматбаҳо саноат хом ашёси етказиб бериб, режани адо этдилар.

❑ Кеча Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Миср комиссиясининг биринчи қўшма мажлиси бўлди. Бугун Вазирлар Маҳкамасида ушбу мажлис якунлари юзасидан аҳдлашув имзоланади. Миср иқтисод ва халқаро ҳамкорлик вазири доктор Навал Мунейм Абдул ал-Татави хоним бошчилигидаги делегация аъзолари турли вазирликларда музокаралар ўтказадилар, Самарқанд ва Бухорони зиёрат қиладилар.

❑ Бугундан эътиборан «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга киритилди.

❑ Кеча Вазирлар Маҳкамаси хотин-қизлар билан ишлаш, ижтимоий масалалар ва маданият мажмуасининг қўшма йиғилишида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

❑ Тошкентда бўлиб ўтган халқаро амалий конференцияда халқаро Амир Темур жамғармасининг вазифалари муҳокама этилди. Унда мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, ташкилотлар ва муассасалари вакиллари билан бир қаторда хорижий дипломатлар ва халқаро жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам қатнашдилар.

❑ Қашқадарё ва Навоий вилоятларида ғалла ўримйиғимида АҚШнинг «Кейс» комбайнлари синаб кўриляпти.

## ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Бугун Россия Федерациясида миллий байрам — Давлат суверенитети тўғрисидаги декларация қабул қилинган кун тантана қилинмоқда.

❑ Назранда давом этаётган Россия федерал маъмурлари ва Чеченистон мухолифатчилари ўртасидаги музокараларда шу йил август ойи охиригача Россия федерал қўшинларини Чеченистондан олиб чиқиб кетиш, Чеченистон мухолифатчилари ҳарбий бўлинмаларини қуролсизлантиришга аҳдлашиб олинди.

❑ Президент Борис Ельциннинг ҳукуматга йўллаган «1997 йилги бюджет сиёсати тўғрисида»ги номасида Россияда келгуси йилда ўртача ойлик инфляция даражаси 0,8 фоиздан, федерал бюджет камомади ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизидан ошмаслиги мўлжалланган.

❑ Бугун Бокуда Қора денгиз ҳавзаси ҳамкорлигига аъзо мамлакатлар парламентлараро ассамблеясининг навбатдаги мажлиси очилади. Унда ушбу минтақадаги давлатларнинг ўзаро иқтисодий ҳамкорлигини чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилади.

❑ Қозоғистон парламенти республика Олий судининг раиси Михаил Малаховни вазифасидан бўшатди. Ҳозир Россияда яширинган, деб тахмин қилинаётган Михаил Малаховга нисбатан порахўрлик бўйича жиноий иш қўзғатилди.

❑ Кеча Москва метросида уюштирилган портлаш оқибатида уч киши ҳалок бўлди, бир неча киши жароҳатланди.

## ХОРИЖДА

❑ Жаната партияси етакчиларидан бири, яқингача Карнатака штати ҳукуматига раҳбарлик қилиб келган 63 ёшли Бош вазир Деве Говда бошчилигидаги ҳукумат аъзолари қасамёд қилдилар. 20 нафар вазир ва давлат вазиридан иборат Ҳиндистон ҳукумати таркибида Бирлашган фронтга кирувчи 13 партиянинг 5 таси вакиллари бор.

❑ Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёдда «Араб дунёсининг Марказий Осиё давлатлари билан муносабатлари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унинг ишида Миср, Ўзбекистон, Озарбайжон ва Россия мутахассислари ҳам иштирок этдилар.

❑ АҚШнинг Калифорния штатидаги Эдвардс авиабазасида синов пайтида «Дарстар» («Қоронғу юлдуз») учувчисиз жосус самолёт ҳалокатга учради. Радио бўйича бошқариладиган, қиймати тахминан 10 миллион доллар турадиган бу жосус самолёт 15 километр тепаликдан туриб айғоқчилик ишларини амалга ошира олади.

❑ Бразилиянинг Сан-Пауло шаҳри савдо марказида тахмин бўйича газнинг портлаши оқибатида 26 киши ҳалок бўлди, 200 нафар одам жароҳатланди.

• БУГУНГИ КУН НАФАСИ • БУГУНГИ КУН НАФАСИ • БУГУНГИ КУН НАФАСИ • БУГУНГИ КУН НАФАСИ •

***«Тошкентуйжойжамғармабанк» ўз ишини бошлаганидан буён кўплаб корхоналар, ташкилотлар қатори фуқаролар ҳам банкда ўз ҳисобларини очиш ва келажакда кўркам, шинам уйларга эга бўлиш мақсадида бу ерга мурожаат этиб туришибди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони улар томонидан халқ фаровонлиги ҳақида ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси, деб баҳоланмоқда.***

*Уй-жой қурилишига — давлат мадади*

# МИНГ РАҲМАТ!

**• Раиса ТЎЙЧИЕВА, совутгич компрессорлар қурилмасини ўрнатиш бошқармаси бўлими бошлиғи:**

— Уй-жой қурилиши давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳақидаги Фармон чиққандан сўнг, уни яхшилаб ўрганиб чиқдик. Ўзимиз тўплаган маблағимиз билан қачон ва қандай қилиб уй қуришга бошимиз қотиб турган бир паллада, Фармоннинг чиқиши айни дилимиздаги муддао десам янглишмайман. Чунки кўнгилдагидек уй қуриш учун пулини топсанг қурилиш материалини йиққунча неча йиллар ўтиб кетади. Фармон негизида эса 6—8 ой ичида уйли бўлиш имконияти турибди. Шунингдек имконияти бор корхона ёки ташкилот ўз ходимига пул ўтказиш йўли билан ҳам уй-жой қилиб беришга эга. Бундан ортиқ ғамхўрлик бўладими. Корхонамиз раҳбари Геннадий Учқунов ходимлар ўртасида уй-жойга айниқса муҳтож бўлганларнинг рўйхатини кўриб, ҳозирча икки кишига ёрдам бериш имконини яратди. Ва биринчилардан бўлиб иккита тўрт хонали уй учун банкдан ҳисоб очилиб керакли миқдордаги пул ўтказилди.

Банкдагиларга мурожаат этганимизда шаҳримиздаги Тахтапул даҳаси, Беруний майдони, генерал Узоқов кўчаси, Миробод бозори ёнида қурилаётган уйлар ҳақида ахборот беришди. Биз Беруний майдонида ва Мовароуннаҳр кўчасида қурилаётган уйлардан биттадан оладиган бўлдик. Уйларнинг топширилиш муддати октябрь-ноябрь ойларига мўлжалланмоқда. Тўғрисини айтсам, жуда қисқа муддатлар ичида кўп хонали уйнинг эгаси бўлиш ниятларим рўёбга чиқишига аввал ишонмасамда, энди ишонаман. Чунки Фармон ўз ижросини топмоқда.

**• Омина ҲАКИМОВА, тиббиёт ходими:**

— Мен банкка биринчи маротаба мурожаат этаяпман. Шуниси қувонарлики, бу ердагилар Фармонда кўрсатилган барча бандларни ва амалга оширилиши керак бўлган ишларни тўлиқ тушунтириб беришмоқда. Президентимизга минг раҳмат, юртимиз фуқароларига, айниқса Тошкент шаҳридагилар учун шундай имконият яратаётганидан. Фақат шундай яхши ишлар бўлаётганини ҳали ҳам кўплаб фуқаролар билмаса керак. Бундай дейишимга сабаб Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги қошидаги уй-жойлар билан шуғулланиш бўлимига мурожаат этганимда мени атиги 89-номерли деб рўйхатга олишди. Назаримда битта туманда бир куннинг ўзида қанча-қанча одам уй-жой масаласи билан мурожаат этиши мумкин. Шунинг учун фуқароларимиз ҳеч иккиланмай агар уй-жойга муҳтожликлари бўлса, энг аввало маҳалла қўмитасига зудлик билан мурожаат этсинлар. Маҳалла фаоллари томонидан тузилган комиссия барча ҳужжатларни ва уй шароитларини кўриб чиқиб, махсус бланкани тўлдириб, тасдиқлаб беришади. Бу қоғозлар ёрдамида туманингизнинг ҳокимлиги қошидаги уй-жой билан шуғулланиш бўлимига мурожаат этганингиздан сўнг, тўғри банкка келасиз. Бу ерда барча уй-жой муаммосига оид масалаларни ҳал қилиб кетишингиз мумкин экан.

Менинг қари ота-онам бўлгани учун айрим таклиф этилган жойлардаги уйларни хоҳламадим. Шунинг учун ҳозирча ҳисоб очиб, барча йиққан маблағимни жамғариб туришга аҳд қилдим. Оладиган уйимнинг 20 фоизли пулини тўплаганимдан кейин, мен банк билан шартнома тузиб уй-жой облигацияларини олиш ҳуқуқига ҳамда йил охиригача уй эгаси бўлишга мушарраф бўламан.

Суҳбатдош: Гулзода АБДУЛЛАЕВА.

*Воқеа арафасида*

# «ОФИС ВА БАНК — 96» КЎРГАЗМАСИ

Замонавий, жуда кўп дастурларга эга компьютерлар, телекоммуникациялар, ахборот узатиш технологияларисиз ҳозирги кунимизни тасаввур этиш қийин. Бинобарин, Ўзбекистонда кейинги пайтларда бундай замонавий техника воситаларини кенг жалб этиш, жаҳон ахборот тизимига кириш борасида кўпгина ижобий ишлар амалга оширилмоқда. 18 июнда «Ёшлик» спорт аренасида очиладиган «Офис ва банк — 96» деб номланган еттинчи технологик кўргазма ҳам ана шу хайрли мақсадлар учун хизмат қилади. Республика бизнес фонди, Давлат фан ва техника қўмитаси ташкилотчилигида ўтказилаётган мазкур кўргазманинг бош ҳомийси «Коинот сервис» фирмасидир. Ушбу долзарб тадбирни ўтказишдаги асосий ташкилий-техник ва тайёргарлик ишларини «ЦМИ» инновация фирмаси ўз бўйнига олди.

— Бундай технологик кўргазмалар Ўзбекистондаги ҳамда Марказий Осиёдаги компьютерларга ихтисослашган фирмаларни ўз атрофига жалб этади, албатта, — дейди биз билан суҳбатда «ЦМИ» инновация фирмасининг бош директори Алексей Арапов. — Улар менежерлар, техник мутахассислар, турли корхоналарнинг ходимлари учун ахборот технологиялари соҳасидаги янгиликлар билан танишиб, ўзаро фойдали фикр алмашиш, янги шартномалар тузишга имкон туғдиради.

Ҳа, 1993 йилда хайрли анъанага асос солиниб, илк халқаро технологик кўргазма ташкил этилган бўлса, ўтган уч йил ичида бундай кўргазмаларнинг олтитаси муваффақият билан ўтди. Ўша пайтда кўпчилик мутахассислар учун янгилик ҳисобланган техника ва технологияларни ҳозир «маънавий эскириб» қолди десак хато қилмаган бўламиз. Зеро, жаҳонда бу жараён жуда жадал давом этмоқда.

Энди, икки оғиз сўз бўлғуси «Офис ва банк — 96» кўргазмаси хусусида. «Амати», «АВМ Компьютерсервис», «ДЭУ-Телеком», «Фламенко», «Авиаброк» - Консауд», «ЛИД», «Фреца» ва бошқа йирик фирмалар унда қатнашиш истагини билдиришди. Кўргазма стендларидан бири эса «ЦМИ» фирмасига тегишли бўлади.

— Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, — сўзида давом этди Алексей Арапов, — маркетинг, янги ахборот технологияларини тадбиқ этиш фирмамиз фаолиятининг янги йўналишларини ташкил этади. Режаларимиз ҳам кенг кўламли бўлиб, келгусида иқтисодий фойдали, истиқболи порлоқ янги лойиҳаларни тадбиқ этиш учун яхши шароитлар туғдирадиган «Компьютер — Осиё» илмий-техник боғини тузиш асосий вазифаларимиздан биридир.

Дамир ИСЛОМОВ.

*Футбол*

# АРМИЯЧИЛАРНИНГ ҚЎЛИ БАЛАНД

Кеча мамлакатимизнинг 6 та шаҳрида олий лига 10-турининг учрашувлари бўлиб ўтди. Пойтахт футбол мухлисларининг диққат-эътибори ушбу турнинг марказий ўйинларидан бири бўлган МҲСК — «Трактор» учрашувига қаратилган эди. Бу жамоалар қизиқарли ва шиддатли ўйин намойиш этиб, ўз мавқеларини тобора мустаҳкамламоқдалар. Кечаги учрашувда армиячилар яна уюшқоқлик кўрсатиб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозондилар. Тўпларни Нуъмон Ҳасанов ва Мухтор Қурбоновлар киритишди. Ўйиннинг иккинчи бўлимида армиячилар дарвозасига киритилган ягона тўпнинг муаллифи Александр Борисов бўлди. «Пахтакор» эса яна мухлисларни ранжитди. «Навбаҳор» майдонида ўтказилган ўйинда «Пахтакор» мағлубият аламини тортди. Мезбонларнинг киритган ягона тўпи ўйин натижасини уларнинг фойдасига ҳал қилди. Мухлисларнинг фикрича, «Пахтакор» дарвозабони Павел Бугало маҳорат кўрсатмаганида голлар миқдори кўп бўлиши мумкин эди.

Кеча бўлиб ўтган қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди.

«Нефтчи» — «Янгиер» — 3:1,
«Машъал» — «Динамо» (С) — 0:1,
«Нурафшон» — «Сўғдиёна» — 2:1,
«Динамо» (У) — АСК — 0:1.

Бугун ушбу тур ўйинларининг қолган икки учрашуви ўтказилади.






*Теннис*

# «ДИНАМО» КОРТЛАРИДА — ПРОФЕССИОНАЛЛАР

TASHKENT WOMEN'S CHALLENGER

Ўтган куни шаҳримиздаги «Динамо» теннис мажмуида юртимизда илк марта ўтказилаётган аёллар ўртасидаги челленжер мусобақаси тантанали равишда очилди.

Ушбу мусобақа ташкилий қўмитасининг раиси, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов турнирни очар экан, Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизда теннисни, жумладан аёллар ўртасида теннисни ривожлантириш тўғрисида катта ғамхўрлик қилаётгани туфайли дунёнинг турли мамлакатларидаги гўзал спортчи қизларни ушбу беллашувга жалб этиш мумкин бўлганлигини таъкидлади.

Дунёнинг 20 мамлакатидан келган ракетка соҳибалари рейтинг кўрсаткичлари бўйича икки гуруҳга бўлиниб, саралаш босқич турнирида қатнашишди. Асосий сет баҳсларига бериладиган олти йўлланма учун 32 нафар теннисчи кураш олиб борди. Турнир майдонига биринчи марта чиқишга муваффақ бўлган 10 нафар теннисчимиздан 4 нафари дастлабки довондан ошишди. Вакилимиз Светлана Синицина қуръа бўйича биринчи баҳсдаёқ кучли рақиб — франциялик Марина Кеаззога қарши майдонга тушди. Светлана муносиб ўйин кўрсатди, аммо деярли тенг курашда мағлубиятга учради.

1/8 финалда қатнашган вакилларимиздан Наталья Никитина ва Оксана Яриковалар ҳам ажойиб ўйин кўрсатишиб, чорак финалга йўлланма олишди.

Биринчи кун натижаларига кўра, Ольга Глушенко (Белорусь), Катрин Килш (Германия), Марина Кеаззо (Франция), Петра Руссигер (Австрия), Канду Рейид (Германия), Елена Воробьева (Россия)лар ҳам челленжер турнирининг асосий сет баҳсларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Беҳзод ЭГАМОВ.



***СУРАТЛАРДА:** аёллар челленжер турнирининг тантанали очилиш маросими ва мусобақалардан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

